# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 27 май, № 108 (8451) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИСЛОҲОТЛАР ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май куни саноат ва жамоат транспорти соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманига ташриф буюрди.**



Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор саноат зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Мазкур саноат ҳудудида бугунги кунда 510 та корхона бўлиб, яна кўплаб янгилари ташкил этилмоқда.

Хусусан, озиқ-овқат корхонасида йилига 7 минг тонна маҳсулот, шу жумладан, 10 турдаги чипс тайёрланмоқда. Яқинда лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилиб, маҳсулотлар тури кенгайтирилади.

Мебелсозлик тармоғидаги корхонада йилига 2 миллион метр квадрат ёғоч панеллар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг катта қисми импорт ўрнини босиши билан аҳамиятли.

Функционал озиқ-овқатлар комбинатида йилига 5 миллион қути йодланган қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг 30 фоизини экспортга йўналтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналиш танлаганига эътибор қаратиб, барча ҳудудларда шундай корхоналарни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Йоднинг аҳоли саломатлиги учун муҳимлигини инобатга олиб, мамлакатимизда йод билан бойитилган озиқ-овқатларни кўпайтириш бўйича кўрсатма берди.

Шу ерда Чилонзор туманида саноатни ривожлантириш режалари бўйича тақдимот ўтказилди.

— Чилонзор туманида жуда катта инфратузилма, бўш турган бинолар, кафолатланган энергия ресурслари бор. Фақат тадбиркорларга маблағ бериб, хорижий технологиялар олиб келиб, Чилонзорни индустрия хабига айлантириш керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий лойиҳалар ижтимоий соҳада ҳам натижа келтириши зарурлигига алоҳида тўхталди. Тадбиркорларга кўмак бериб, фаолиятини кенгайтириб, маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигига ҳисса қўшиш зарурлигини таъкидлади. Бу борада бошланган янги дастурдан фойдаланиб, тумандаги 3 минг камбағал ва 10 минг ишсиз фуқарони иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Чилонзор туманидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини ҳам кўздан кечирди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти тизимидаги 7-автобус саройига борди.

Аҳолининг кундалик ҳаётига дахлдор ҳар бир масала давлатимизнинг эътиборида. Хусусан, жамоат транспорти тизими ўсиб бораётган талабдан келиб чиқиб ривожлантирилмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳри ҳам энига, ҳам бўйига ўсди. Муқим аҳоли, вақтинча яшовчилар, туристлар, талабалар сони ошди. Илгари шаҳарда кунига 800-900 минг йўловчи жамоат транспортидан фойдаланган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 1 миллион 300 мингдан ошган. Шу боис автобуслар етишмаслиги, кутиш вақти кўплиги каби муаммолар юзага келган эди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил 13 декабрь куни пойтахтимиздаги 18-автобус саройида бўлиб, бу аҳволни ўзи кўрган, янги автобуслар олиб келиш ва йўловчиларга қулайликларни ошириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу галги ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев соҳадаги вазифалар ижроси билан танишди.

Апрель-май ойларида Тошкент шаҳрига 755 та замонавий автобус олиб келиниб, йўловчилари энг кўп йўналишларга қўйилган. Натижада автобусларнинг кунлик сони 1 минг 400 тага етган, 9 та қўшимча йўналиш очилган. Яқин кунларда яна 245 та автобус келтирилади.

Жумладан, 7-автобус саройи шу пайтгача 18 та йўналишда кунига 90 минг йўловчига хизмат кўрсатар эди. Яқинда унинг парки 67 та янги транспорт билан бойиди. Табиийки, йўловчи ташиш қуввати ошиб, автобусларнинг оралиқ вақти қисқарди.

Мутасаддилар Тошкент шаҳрининг янгиланган Транспорт бош режаси бўйича ҳам ахборот берди. Қайд этилганидек, у шаҳарнинг кенгайиши ва йўловчилар оқими таҳлили асосида, 167 та йўналишдан иборат тарзда ишлаб чиқилган. Шундан 17 тасида кунлик режа белгилаш тартиби бекор қилиниб, босиб ўтилган масофага қараб ҳисоб-китоб тизимига ўтилган. Июнь-июль ойларида қолган 150 та йўналиш ҳам тендер савдолари орқали шундай тизимга ўтказилади. Натижада қатновлар мунтазамлиги таъминланади, хизмат сифати ошади.

Бунда ҳайдовчиларнинг малакаси ҳам жуда муҳим. Шу боис Тошкент давлат транспорт университети ва бошқа ўқув марказларида ҳайдовчиликка ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш йўлга қўйилган. Автобус ҳайдовчиларининг ойлик маошлари икки баробар оширилиб, йил бошидан бери мингдан зиёд ҳайдовчилар ишга қабул қилинган.

Давлатимиз раҳбари автобусларга сифатли сервисни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Йўлкира тўлови тизимини тартибга солиш, ҳаракат назоратини рақамлаштириш, бекатларда шароитларни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берди.

— Янги автобуслар, албатта, халқимизга қўшимча шароит яратди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Эндиги вазифа йўлларда тирбандликни камайтириб, автобусларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш. Пировард мақсад — Тошкентда жамоат транспорти қамровини 2 миллион йўловчига етказиш.

Президент автобусга ўтириб, оддий йўловчилар билан бирга йўналиш бўйлаб юриб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги 3-Катта Чилонзор маҳалласига ҳам ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча дастурлар аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, манзилли амалга оширилмоқда. Бунинг учун “маҳалладаги бешлик” тизими жорий этилиб, уларга кенг имкониятлар берилди. “Хавфсиз маҳалла”, “Хавфсиз кўча” концепциялари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Маҳаллаларнинг ўзига маблағ йўналтирилиб, обод қилинмоқда.

Бу 3-Катта Чилонзор маҳалласида ҳам яққол намоён. Фуқаролар йиғини биноси, 52 та кўп қаватли уй замонавий қиёфага эга. Майдончалар ва ички йўллар текисланиб, атрофи ободонлаштирилган. Болалар ўйингоҳи ва сайилгоҳ ташкил этилган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига мувофиқ, бўш майдонларга дарахт кўчатлари, райҳон, намозшомгул каби гуллар экилди, майсазорлар ташкил этилди. Маҳалла ҳудудидан ўтган “Анҳор” канали бўйида сайилгоҳ, пиёдалар ва велосипед йўлаклари барпо этилди. Шунингдек, электр подстанцияси, трансформатор ва паст кучланишли кабеллар янгиланди.

Президентимиз бу ўзгаришларни кўздан кечирди. Шу ерда маҳаллалар фаоллари, нуронийлар билан мулоқот бўлди.

— Биласизлар, ҳамма ишларимизни маҳаллада амалга оширяпмиз. Агар маҳалла обод, оилалар тинч ва даромадли бўлса, ўқиш, изланиш, ривожланиш бўлади. Шу боис бу тизимга қўшимча ваколатлар беряпмиз. Бугун маҳалла камбағалликни қисқартириш, хотин-қизлар муаммосини ҳал қилиш, ёшлар тарбиясида катта кучга айланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли вакиллари буни маҳалла ҳаётида сезаётганини, ёшларни ўқитиш, ишга жойлаштириш эътиборда эканини айтишди. Чилонзордаги 55 та маҳаллани обод қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишга 115 миллиард сўм ажратилгани қайд этилди.

Бу йил Тошкент шаҳрининг 585 та маҳалласига 351 миллиард сўм, шундан Чилонзордаги 55 та маҳаллага 35 миллиард сўм йўналтирилиши маълум қилинди.

Президент бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратди.

— Хабарингиз бор, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича янги тизим асосида иш бошладик. Бунда маҳаллалардаги ишсизлар салоҳиятли тадбиркорларга бириктирилади. Чилонзор туманида 10 минг нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлашимиз керак. Ўйлайманки, тадбиркорлар бу бўйича ўзига масъулият олиб, нуронийларимиз бош-қош бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Президент фуқаролар билан очиқ, самимий суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлди.

Бу маскан 2019 йилда хорижий компанияга ижарага берилган эди. Ўтган вақтда 12 миллион долларлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, шароитлар яхшиланди. 43 та янги аттракцион ўрнатилиб, уч юздан зиёд иш ўрни яратилди.

Асосийси, боғни реконструкция қилишда бирорбир дарахтга зиён етказилмасдан, аксинча, ҳудудга уч мингдан зиёд манзарали кўчатлар ва дарахтлар экилди. Боғда ичимлик суви ва газ ҳамда канализация ўтказилган, шунингдек, ҳудуд тўлиқ замонавий суғориш тизими билан қамраб олинган.

Илгари боққа кунига 30 минг атрофида меҳмон келган бўлса, реконструкциядан сўнг ўртача 60 минг киши ташриф буюрмоқда.

Давлатимиз раҳбари боғ бўйлаб юриб, одамлар билан суҳбатлашди. Болажонларга меҳр кўрсатиб, эзгу тилаклар билдирди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «AIR PRODUCTS» КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 май куни «Air Products» компанияси бош ижрочи директори Сейфи Гасемини қабул қилди.**

Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоқларида юқори технологик лойиҳаларни илгари суришда АҚШнинг ўз йўналишида глобал етакчи бўлган ушбу компанияси билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти компания раҳбарини 1 миллиард доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилган ҳолда Қашқадарё вилоятидаги “GTL” заводининг учта саноат газ ускунасини харид қилиш бўйича келишув муваффақиятли якунлангани ва тегишли битим имзолангани билан табриклади.

“Air Products” яна бир йирик лойиҳада — камида 700 миллион долларлик инвестицияларни жалб қилган ҳолда Бухоро вилоятида МТО технологияси асосида газ-кимё мажмуаси қурилишида иштирок этаётгани қайд этилди.

Мамлакатимизда “яшил” водород соҳасини ривожлантириш бўйича яна бир асосий ҳамкор — Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси иштирок этаётган истиқболли лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

## Сенат қўмиталарида

# МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ, ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенатининг бир қатор қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилаётган масалалар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.*

### Ижтимоий солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби енгиллаштирилади

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритилмоқда. Масалан, Солиқ кодексининг 408-моддасига айрим солиқ тўловчилар учун ижтимоий солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини енгиллаштиришни назарда тутадиган тузатишлар киритилаётир.

Шахсий томорқа ер участкаларида банд бўлган ёки мазкур майдонда чорвачилик, иссиқхона хўжалиги, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган шахсий томорқа ер участкаларининг эгалари ёки уларнинг оила аъзолари бўлган фуқаролар томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилиши ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилиши белгиланмоқда.

Қўмита мажлисида футбол соҳаси вакиллари ва ташкилотларига солиқ имтиёзлари амал қилиш муддатини узайтиришга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди. Эътиборлиси, бу билан Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон профессионал футбол лигаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клубларига берилган солиқ имтиёзлари узайтириляпти.

Унга кўра 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва ҳудудий бўлинмалари, Ўзбекистон профессионал футбол лигаси жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клублари ижтимоий солиқдан бошқа барча турдаги солиқларни, ўзи жалб қилган чет эл мутахассислари ва футболчиларининг даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан озод этилмоқда.

➡ 2

# ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

*Янги таҳрирдаги Конституция миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб берди.*

## Конференция

Бош қомусимизда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепцияси ҳисобга олинган ҳолда Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасидаги ваколатлар қайта тақсимланди.

➡ 2

# БАНДЛИК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг бажарилиши ҳамда “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармонига асосан ижтимоий ёрдам дастурлари доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш тизимининг ижро этилиш ҳолатини Қашқадарё вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.*

## Ўрганиш

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадларини изчил ошириб бориш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

➡ 2

# МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ, ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

1 Тадбирда Марказий банкнинг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.

Келтирилганидек, Марказий банк томонидан бу даврда муайян ишлар бажарилган. Масалан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2022 йилда 203 трлн. сўм ёки 2021 йилдагига нисбатан 22 фоиз кўп кредитлар ажратилиб, кредит қўйилмалари қолдиғи 403 трлн. сўмга етган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 424 мингдан ортиқ лойиҳаларга 9,9 трлн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит йўналтирилган.

Сенаторлар банк тизимида мурожаатлар сони йилига ўртача ҳисобда 5-6 мингтани ташкил қилаётгани, ушбу мурожаатларнинг қарийб 60 фоизи кредит муносабатлари билан боғлиқ масалалар ҳиссасига тўғри келаётганига ҳам эътибор қаратди.

## Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари ахборотлари

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Қайд этилганидек, қарорда белгиланган вазифаларнинг 21 таси ижро қилинган, 6 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган. Давлат раҳбарининг “2022 — 2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтиришга оид қарорлари ана шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида юртимизда мавжуд автомобиль йўллари инфратузилмаси такомиллаштириляпти ҳамда ҳаракатни бошқариш тизими рақамлаштириляпти. Жорий йил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 707 та транспорт ҳамда 298 та пиёдалар светофорини ўрнатиш ва 404 тасини реконструкция қилиш белгиланган.

Қолаверса, илғор хорижий тажриба асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент муҳокамасига киритилган.

Қўмита мажлисида сенаторлар ўрганишлар таҳлили қарор ижроси билан боғлиқ қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатганини таъкидлашди.

Хусусан, “Uzavtomotobelgi” давлат унитар корхонасида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу соҳада рақобат муҳитини шакллантириш бўйича етарли ишлар амалга оширилмаган. Оқибатда бундай техник воситаларнинг сифати пастлигича қолмоқда. Айни чоғда қарорнинг 9-бандида белгиланган вазифалар ижроси тегишли ҳудудий махсус комиссиялар томонидан тўлиқ таъминланмаяпти. Жумладан, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамасига мунтазам киритилмаяпти.

Шунингдек, жорий йилнинг 1-чораги давомида 5 та топшириқ ижроси таъминланмаган. Масалан, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий вилоятларида қоидабузарликларни қайд этувчи фото ва видео мосламалар (камералар)ни ўрнатиш, уларни вилоят ва республика мониторинг марказларига интеграция қилиш, йирик бозорлар атрофида кўп қаватли ёки ер ости автотураргоҳлари ва автоматлаштирилган йўлбўйи пуллик тўхтаб туриш жойларини ташкил қилиш каби топшириқлар ижро этилмаган.

Таҳлиллар давомида аниқланишича, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва уларни сақлашда ҳамон бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Йўл ҳаракати қоидалари ҳанузгача таъсирчан ва самарали тарғиб қилинмайди, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда аҳолининг бу борадаги маданиятини юксалтиришга қаратилган материаллар етарли даражада берилмаяпти. Тегишли олий ўқув юртларини битирган бакалавр ва магистрларни йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ишга қабул қилишнинг замонавий, шаффоф ва самарали тизими тўлиқ жорий этилмаган.



Шулардан келиб чиқиб, қўмита томонидан ушбу камчиликларни бартараф қилиш юзасидан қатор таклифлар илгари сурилди.

## Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришдаги янгиликлар

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонунга эътибор қаратилди.

Бу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги Қонунига норасмий бандликни қисқартиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритилаётгани, шу жумладан, Солиқ кодексининг 408-моддасига киритилаётган тузатишларга кўра айрим турдаги солиқ тўловчилар учун ижтимоий солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби енгиллаштирилаётгани алоҳида тилга олинди. Негаки, бу янгиликлар тадбиркорлик, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар ижтимоий солиқ суммаси амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи ўрнига йиллик базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баробари миқдорида солиқ тўлаши белгиланмоқда.

Қолаверса, қонунда шахсий томорқа ер участкасида банд бўлган ёки шу майдонда чорвачилик, иссиқхона хўжалиги, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик билан шуғулланаётган шахсий томорқа ер участкасининг эгаси ёки унинг оила аъзолари, уларга тегишли томорқа ер участкаси майдони ёки улар томонидан парвариш қилинаётган уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг сонидан қатъи назар, меҳнат фаолияти сифатида баҳоланиб, ижтимоий солиқ ихтиёрий асосда тўланилиши кўзда тутилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қўмита аъзолари бу янгиликлар аҳоли, айниқса, хотин-қизлар орасида тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

## Хорижлик мутахассислар давлат божидан озод этилади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Бу ҳужжат билан “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга Қорақалпоғистон Республикасидаги нодавлат таълим ташкилотлари томонидан жалб этилган хорижий мутахассислар 2027 йил 1 октябрга қадар консуллик йиғими, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан озод этилиши юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Қўмита аъзолари бундай имконият, албатта, таълим жараёнини жаҳон андозаларига мослаштириш, таълим тизимига халқаро тажрибани жорий этиш, янги педагогик технологияларни миллий таълим тизимига интеграция қилишда муҳим омил бўлишини таъкидлашди.

Қўмита йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида ҳисоботда келтириб ўтилган мақсадли гуруҳлар учун махсус таълим дастурлари асосида жойларда учрашув ва мулоқотлар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ўтказилгани қайд этилди. Масалан, умумтаълим муассасалари ўқувчилари молиявий саводхонлигини ошириш тадбирлари кўлами кенгайтирилган. Шу билан бирга, юртимиз бўйлаб 2022 йил март — май ва октябр-ноябрь ойларида 5 — 11-синф ўқувчилари учун “Молиявий саводхонлик ойлиги” лойиҳаси амалга оширилган. Лойиҳада 253 та умумтаълим муассасасидаги 799 нафар ўқитувчи ва 24 мингга яқин мактаб ўқувчилари иштирок этган. 19 та тижорат банки томонидан 3 мингдан зиёд умумий ўрта таълим муассасасида очиқ дарслар ташкил қилинган.

Сенаторлар бундай тадбирлар кўламини янада кенгайтиришга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

*Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.*

**«Халқ сўзи».**



# ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

1 Давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Янги Ўзбекистон — вакиллик органларининг ривожланишида янги босқич” мавзуида ўтказилган конференцияда бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Конференцияда парламент қуйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Унда сўз олганлар янги Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларни амалга оширишда вакиллик органларининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишди. Жумладан, Қонунчилик палатаси фаолиятида қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг демократик тартиб-қоидалари жорий этилди, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси йўлга қўйилиб, ташаббускор субъект ёки унинг вакили маъруза билан чиқаётгани эътиборга моликдир. Ҳукуматнинг давлат дастури ижроси бўйича парламент олдида ҳар чоракда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилгани, парламент назоратининг янги шакли сифатида “Ҳукумат соати” институти жорий этилгани — қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини самарали амалга оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Тадбир давомида парламент институтини такомиллаштиришнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, парламент палаталарининг табиатига мос ҳолда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига кўмаклашиш ваколати ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланган Сенатга берилгани, шунингдек, Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича ҳар йилги маърузасини эшитиш каби ваколатларнинг бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатасига ўтказилгани — парламент палаталари фаолиятининг самарадорлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Иштирокчилар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари томонидан янги конституциявий нормалар орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари доирасининг белгилаб берилгани, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни белгилашда, маҳаллий ижроия ҳокимияти устидан самарали назоратни амалга оширишда, маҳаллий бюджетларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, уларнинг ижро этилишини назорат қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар.

Конференцияда, шунингдек, жойларда қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлаш борасида парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар назоратини кучайтириш, палаталар қўмиталари ва маҳаллий Кенгашлар комиссиялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

## Эшитув

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.*

*Унда мутасадди вазирликларнинг “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” ва бошқа давлат дастурларида белгиланган вазифа ҳамда ишларнинг бажарилиши тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.*

# ЎЗГАРИШЛАР ЧЕККА ҲУДУДЛАРДА ҲАМ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларини ҳаётга татбиқ этиш ташаббуси юртимиз ободончилигининг янги босқичини бошлаб берди. Ўтган даврда мамлакатимизда мазкур дастурлар доирасида уй-жойларни таъмирлаш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ичимлик суви ҳамда электр энергияси тармоқлари, маҳаллий ва ички йўлларни қуриш-таъмирлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Нафақат кўчалар инфратузилма ҳолатини яхшилаш, балки у ерда яшовчи аҳолининг даромади кўпайиши, ижтимоий объектлар тўлиқ ишлаши учун ҳам шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган инсонларни иш билан таъминлаш орқали уларни ушбу рўйхатдан чиқариш вазифалари жадал амалга ошириляпти. Буни кўпчилик юртдошларимиз ўз турмушида яққол ҳис қилаётир.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг амалга оширилиши аҳоли яшаш шароитини яхшилаш билан бирга, одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ушбу дастурларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани натижасида юртдошларимизни кўп йиллар давомида ўйлантириб келган йўл, электр энергияси, ичимлик суви билан боғлиқ масалалар қисқа фурсатда ечим топди.

Йиғилишда дастурларда белгиланган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертиза ва тендер савдолари ўтказилиши, шунингдек, қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг ҳолати ҳамда сифати борасида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликларнинг ахборотлари эшитилди.

Депутатлар дастурлар доирасида режалаштирилган қурилиш, ободонлаштириш ва бошқа ишлар учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ҳамда самарали сарфланиши борасида мавжуд муаммо ва камчиликларга эътибор қаратди. Дастурларга киритилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда тендер савдолари “Бюджет назорати” электрон дастури орқали назорат қилиб борилиши ҳолати ҳам эътибордан четда қолмади.

Депутатлар халқимизни ҳаётдан рози қилишнинг, юртимиз янги қиёфасини яратишнинг энг самарали механизмларидан бирига айланиб улгурган “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида мамлакатимизнинг кўплаб қишлоқ, маҳалла ва овулларидаги миллионлаб инсонлар ҳаётида туб ўзгаришлар амалга оширилганини таъкидлашди. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиланишлар натижасида халқимизнинг ҳаётга ишончи ошиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучаяётгани қайд этилди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда мазкур дастурлар ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича тавсиялар берилиб, ушбу йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини олиб боришга келишиб олинди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

*Мамлакатимизда кейинги йилларда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳаларини ривожлантириш ҳамда соҳа ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш бўйича кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.*

## Парламент назорати

Бугунги кунда бу соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг янги усулларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир этувчи, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ҳамда буюмлар қўлланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ҳам тизимли ишлар қилиняпти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг “Бинолар ва иншоотлар конструкцияларининг хавфсизлиги ва ишончлилиги, уларнинг сейсмик чидамлигига қўйиладиган талабларга жавоб бериши, қурилаётган объектларнинг ушбу талабларга мувофиқлигини назорат қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Эшитувда қайд этилганидек, ҳудудий назорат инспекцияларининг киритган тақдимномаларига кўра, қурилиш иштирокчилари томонидан муаллифлик ва техник назоратни бузганлиги учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигига таъсир қилувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилган ҳолатлар аниқланиб, улар бўйича уч юздан ортиқ тақдимномалар киритилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси томонидан 2021 йил 1 июлдан бошлаб янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар жамланган электрон техник паспортлар шакллантирилиб, бугунги кунга қадар етти мингга яқин янги қуриб битказилган объектлар киритилган.

Сейсмология институти билан ҳамкорликда сейсмик ҳудудлаштириш, объектлар учун сейсмик таъсирларни баҳолаш, муҳандис-сейсмологик тадқиқотларни ўз ичига олган асосий қоидалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Йиғилишда депутатлар соҳада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини эътироф этиб, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш чораларини кўриш, лойиҳачи ташкилотларнинг муаллифлик назорати ходимлари ваколатини ошириш ҳамда қурилишда назорат субъектларининг жавобгарлигини белгилаш масаласини қонунчиликда акс эттириш ва бошқа бир қатор таклиф ва тавсиялар билдиришди.

Қизғин муҳокамаларга бой бўлган эшитувда кун тартибидаги масала юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# БАНДЛИК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

1 Зеро, аҳолини иш билан таъминлаш нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга масала бўлиб, унинг ўз вақтида ҳал этилишидан барча бирдек манфаатдордир.

Бундан олти йил олдин бошланган бу борадаги амалий ишлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислоҳотлар самараси бугун халқимизнинг турмуш тарзида, онгу тафаккуридаги ўзгаришларда намоён бўлаётир. Ўтган қисқа даврда юртимизда олиб борилган саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, одамларни рози қилиш, уларнинг фаровон яшаши, мурод-мақсадига етишини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Тараққиёт стратегиясининг 53 ва 54-мақсадларидан келиб чиқиб, 2022 йилнинг 25 июль куни 2021 — 2030 йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси концепцияси қабул қилинган.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида сўнгги бир йилда республикамиздаги ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам пуллари билан қамраб олинган оилалар сони 881,2 мингтага, берилган маблағ эса 5,4 трлн. сўмга ошиб, 2022 йилнинг ўзида 2118, 1 минг оилага 11,4 трлн. сўм ижтимоий ёрдам пуллари берилган. Биргина Қашқадарё вилоятида 2022 йил давомида 270,7 минг оилага 1,45 трлн. сўм ижтимоий ёрдам пуллари берилган.

Бу борада “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонун аҳоли бандлигини таъминлашда замонавий касбий ва меҳнат стандартларини жорий этиш, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш механизмларини тартибга солиш ва такомиллаштиришда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу Қонун билан аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган.

Айни чоғда Қашқадарё вилоятида ҳам юқоридаги Қонун ва Фармоннинг ижросини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар қилинмоқда. Масалан, бугун вилоятда доимий аҳоли 3 млн. 445,4 минг нафарни, иқтисодий фаол аҳоли 1335,2 минг нафар, банд бўлганлар эса 1211,1 нафарни ташкил этади.

Шунингдек, бугунги кун ҳолатига кўра вилоятда ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган шахслар 124,1 минг нафарни, ишсизлик даражаси 9,3 фоизни, иқтисодий нофаол аҳоли эса 484,1 минг нафарни ташкил қилмоқда.

2022 йил давомида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан 63,0 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқароларга бандлик хизматлари кўрсатилган бўлиб, бунинг учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 65,6 млрд. сўм ажратилган.

Йиғилишда қўмита аъзолари кейинги йилларда мамлакатимизда бандлик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини, соҳада бўлаётган ўзгаришлар натижасида кўплаб ёшлар, хотин-қизларнинг бандлиги таъминланганини алоҳида қайд этдилар.

Шу билан бирга, вилоятда фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бандлик соҳасидаги қонунчиликка тўлиқ риоя қилиш борасидаги самарали ишларга қарамай, айрим камчиликлар ҳам учраётгани депутатлар томонидан танқид остига олинди.

Депутатларнинг фикрича, маъмурий ислоҳотлар жараёнида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилиб, вазирлик тизимлари бирлаштирилган. Лекин айнан бир мақсадда фаолият олиб бораётган тизимларнинг электрон дастурий таъминотлари интеграциялашмагани бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказининг “Онлайн маҳалла” электрон платформасидаги маълумотлар аҳоли бандлигини таъминлашга мўлжалланган “Бандлик ахборот тизими” билан боғланмагани ишсизларни ишга жойлаштиришдаги ҳисоботларда тафовутларга олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, иш ҳажми ошиши, фуқаролар ва тизим ходимларининг ортиқча оворагарчилигига сабаб бўляпти.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда депутатлар томонидан ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилиб, ушбу масалалар юзасидан самарали парламент назоратини амалга оширишга келишиб олинди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Биз ва жаҳон

# ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҚИЁС ҲУРМАТ НАМУНАСИ

*Озарбайжон тарихида XX асрнинг сўнгги 30 йили ва XXI аср бошлари алоҳида ўрин тутади. Икки хил ижтимоий-сиёсий босқичдан ўтган Озарбайжон тарихи Ҳайдар Алиев номи билан бевосита боғлиқ. Зотан, давлатчиликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилган, бу йил юз йиллиги нишонланган буюк давлат арбоби, тажрибали сиёсатчи, донишманд раҳбар Ҳайдар Алиевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳозирги замонамизнинг муҳим тарихий босқичини ташкил этади.*



Моҳир сиёсатчи, жаҳонга машҳур давлат ва жамоат арбоби сифатида Ҳайдар Алиев 1969 — 1982 йилларда Озарбайжон Республикаси раҳбари, 1993 йилдан мустақил Озарбайжон етакчиси сифатида тан олинган. Ҳайдар Алиевнинг теран ақл-заковати, кенг дунёқараши, таҳлилий тафаккури, бой тажрибаси, донишмандлиги ҳамиша йўлимизни ёритиб борадиган маёқ. Унинг миллий қадриятлар ва Ватанга муҳаббати, ўз халқига садоқати, давлатчилигимиз учун оғир даврда, қалтис дақиқаларда жонини хавф остига қўйиб, қатъият билан тарихий қарорлар қабул қилиши, мураккаб шароитларда тўғри йўл топиш қобилияти унга Яратган томонидан берилган илоҳий неъмат эди.

Озарбайжон халқининг буюк ўғлони Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллик юбилейи кўплаб мамлакатларда, шу жумладан, қардош Ўзбекистонда кенг нишонланди. Боку шаҳрида юбилейга бағишланган Озарбайжон Республикаси парламенти — Миллий Мажлисининг махсус йиғилиши ўтказилди. Унда 26 та давлатнинг парламентлари раҳбарлари ва аъзолари қатнашди. Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегациянинг иштироки, мамлакатимизнинг умуммиллий лидери хотирасига кўрсатилган юксак ҳурмат-эҳтиром учун миннатдорлик билдирамиз.

Т. Норбоева ўз сўзида Озарбайжоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, миллат бирдамлиги шаклланиши ва миллий тафаккур тубдан ўзгариши айнан Ҳайдар Алиев номи билан боғлиқ экани, унингдек миллат етакчиси билан Озарбайжон қисқа вақт ичида мустақил давлат ўлароқ халқаро майдонда катта обрў-эътибор қозонганини таъкидлаб ўтгани бизни мамнун этди.

Ўзбекистон Озарбайжоннинг энг муҳим шерикларидан. Қардош мамлакат Озарбайжонни энг оғир дамларда ҳам қўллаб-қувватлади, елкадош бўлди. Ўзбекистон мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига ҳурмат билан қаради. Президент Шавкат Мирзиёев қўшни давлатлар билан муносабатларни барқарорлаштириш бўйича муҳим қадамларни қўйди ва бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиё минтақасининг салоҳиятини сезиларли даражада оширди. Давлатингиз раҳбари янги Ўзбекистоннинг очиқлик ва прагматизмга асосланган ташқи сиёсатини аниқ белгилаб берди. Биз мамлакатингизда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини кўрмоқдамиз. Давлат ва жамият ҳаётининг деярли барча соҳаси янгиланди.

Замонавий дунёда давлатларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларининг мустаҳкамланиши собиқ иттифоқ даврига тўғри келади. Ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида деярли бир вақтда Ўзбекистон ва Озарбайжон республикаларига бошқарувга келган Шароф Рашидов ва Ҳайдар Алиевнинг дўстона муносабатлари қардошлик ришталарини, икки халқнинг борди-келдиларини бардавом қилди. Ҳар икки республика раҳбарлари кўп бор учрашиб, кўплаб қийин масалаларни биргаликда ечишган. Шароф Рашидов Озарбайжон халқига, Ҳайдар Алиев эса ҳар қандай вазиятда Ўзбекистонга ҳурмат билан муносабатда бўлгани, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлашгани тарихдан яхши маълум. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев билан учрашуви чоғида бу ҳақиқатни тасдиқлаган эди. "Ҳайдар Алиев ўзбек халқига катта ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлган. Мен ўсмирлик чоғларимда унинг Шароф Рашидович Рашидов билан яқин дўстлигига гувоҳ бўлганман. Улар ака-укалардек дўст эдилар..."

Мустақиллик йилларида ҳар икки мамлакатда элчихоналар очилди, Тошкентда Низомий Ганжавий, Бокуда Алишер Навоий ҳайкали қад ростлади. Кейинроқ Ўзбекистон пойтахтида буюк етакчи номи билан аталган Озарбайжон маданият маркази очилди, буларнинг барчаси муносабатларимизга янги куч бағишлади.

Кейинги йилларда ҳар икки мамлакат Президентлари Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев дўстона алоқаларда янги уфқларни очди. Мамлакатларимиз етакчилари Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзолагани тарихий воқеликдир.

Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев айтганидек, "Озарбайжон ва ўзбек халқларининг бу алоқаси ва қардошлиги тасодиф эмас. Мазкур алоқалар қадимий тарих ва бой ўтмиш ётадиган халқларимизнинг қон-қардошлигини, қалбларимиз, маданиятимиз ва маънавий қадриятларимизнинг бирлигини ифода этади".

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг 7-саммитида иштирок этиш учун Озарбайжонга боргани ва ушбу ташриф доирасида Бокуда Президент Илҳом Алиев билан учрашганида Ҳайдар Алиев ҳақида ўз фикрларини ҳам баён этганини эслаш жоиз. "Биз Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев билан ҳамиша фахрланамиз. Ўзбекистонда уни эҳтиром билан хотирлашади. Мен у билан ишлаган одамлар билан кўп суҳбатлашганман. У ҳар доим ўзбек халқига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Ҳайдар Алиев Шароф Рашидов билан кўп бор учрашиб, кўплаб қийин масалаларни биргаликда ечишган. Бугун орамизда ҳаёт бўлганлар Ҳайдар Алиевнинг ҳар қандай вазиятда Ўзбекистонга ҳурмат билан муносабатда бўлганини, қўллаб-қувватлаганини айтишади. Бизда "ўзбек иши" юзага келган оғир йилларда Ҳайдар Алиев бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзбек халқи ҳақида ўз шахсий фикрига эга бўлган", деган эди Шавкат Мирзиёев.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида Ҳайдар Алиев Озарбайжон Президенти сифатида Ўзбекистонга икки маротаба келганини кўрамиз. Биринчи сафар 1996 йил октябрь ойида Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг IV саммитида қатнашиш учун амалий ташриф буюрган, иккинчи маротаба эса 1997 йилнинг июнь ойида Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган. Илм-маърифат фидойиси бўлган Ҳайдар Алиевга 1997 йилда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фахрий доктори унвони берилган.

Ҳайдар Алиев озар халқининг том маънодаги умуммиллий етакчисидир. У мустақил Озарбайжоннинг меъмори ва асосчиси сифатида тарихда қолган бўлса, бугунги кунда ана шундай машҳур давлат арбоби ғояларини муваффақиятли давом эттираётган Президент Илҳом Алиев мамлакат равнақини таъминлаш, иқтисодий қудратини ошириш йўлида улкан сайъ-ҳаракатларни амалга ошираётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

1993 — 2003 йиллар давомида Ҳайдар Алиев раҳбарлигида мустақил Озарбайжон сиёсий, иқтисодий, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида улкан муваффақиятларга эришган. Унинг раҳнамолигида мамлакатнинг халқаро алоқаларида катта ўзгаришлар содир бўлди, илмий асосларга, халқаро меъёр ва тамойилларга асосланган мустақил давлат қурилишига асос солинди ва замонавий, ҳар жиҳатдан тўкис давлат барпо этилди.

Мухтасар айтганда, Ҳайдар Алиевнинг бутун ҳаёти Озарбайжон ва унинг халқига фидокорона муҳаббати намунасидир.

Ҳозир бутун инсоният мураккаб даврни бошдан кечирмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон халқи ҳам, Озарбайжон халқи ҳам доимо келажакка ишонч билан қараган. Бундан кейин ҳам шундай бўлажак. Ўзбекистон ҳам, Озарбайжон ҳам ўз халқларининг хоҳиш-иродаси билан сайланган давлат раҳбарлари раҳнамолигида нурли йўлда комил ишонч билан дадил ва адолатли қадамларни ташлаётганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Бу йўл — порлоқ келажак йўлидир.

**Ганира ПАШАЕВА,**
**Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Маданият қўмитаси раиси, Озарбайжон — Ўзбекистон парламентлараро алоқалар бўйича ишчи гуруҳи аъзоси.**

# САБЗАВОТЧИЛИК — ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ТАРМОҚ

*Дунёда сабзавотнинг 1200 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шундан 600 га яқини маҳаллийлаштирилган ва аҳоли истеъмоли учун фойдаланиб келинмоқда. Маҳсулот турларининг хилмахиллиги бўйича Япония дунёда биринчи ўринда туради ва бу мамлакатда сабзавот, полиз экинлари ҳамда картошканинг 250 — 300 га яқин тури етиштирилади. Россия Федерациясида 200 дан ортиқ шу турдаги экин экилади. Ўзбекистонда эса, бор-йўғи, 40 га яқин сабзавот турларидан фойдаланиб келинмоқда. Албатта, бу олимларимиз зиммасига сабзавот турларини кўпайтириш, халқимизнинг бундай маҳсулотларга бўлган талабини қондириш вазифасини қўймоқда.*

Анжуман



Тошкент шаҳрида ўтказилган "Сабзавот, полиз ва картошкачилик соҳасида эришилган илмий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари, ишлаб чиқариш билан интеграция" мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда хорижий ва маҳаллий олимлар айнан шу хусусда фикр юритди ва ўзаро тажриба алмашишди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти — ФАО билан ҳамкорликда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти томонидан ташкил этилган мазкур халқаро анжуманда дунёнинг 20 дан ошиқ мамлакатларидан соҳага алоқадор мутахассис ва экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов қайд этганидек, бу анжуман Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ташкил топганининг 90 йиллиги нишонланаётган кунларда ўтказилгани ҳам рамзий маънога эга. Институтда селекция ва уруғчиликни ривожлантириш бўйича 2016 йилдан буён 40 та илмий лойиҳа, шу жумладан, 2022 йилда давлат илмий-техник дастурлари доирасида жами 11 та, яъни 6 та амалий ва 5 та инновацион лойиҳа бўйича тадқиқотлар олиб борилгани эътиборга молик.

Таъкидланганидек, институт олимлари томонидан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 230 дан ортиқ нав ҳамда дурагайлари яратилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига сабзавот, полиз ва картошканинг 32 тури бўйича 181 нав киритилган. Интеллектуал мулк агентлигидан 14 та нав патентлаштирилган бўлиб, жами 195 та, хусусан, сабзавотнинг 142, полиз маҳсулотларининг 41, картошканинг 12 нави селекция ютуғи сифатида ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бугунги кунда институтнинг 14 та лабораториясида, 9 та илмий-тажриба станцияси ва тажриба участкаларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Анжуманда Халқаро сабзавотчилик маркази директори ўринбосари Роланд Шафляйтнер, Халқаро картошкачилик маркази ҳудудий координатори Вахтанг Мшвидобадзе "ZOOM" орқали, Венгрия Қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети қошидаги Картошкачилик илмий маркази директори Жолт Польгар, Халқаро боғдорчилик институти президенти Ёнг-Беом Лее бевосита иштирок этиб, юртимиз олимлари билан тажриба алмашди.

— Маълумотларга кўра, дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда, — дейди Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Анвар Раҳматов. — Шу боис дунё олимлари мазкур муаммонинг ечимини топишга бел боғлаган. Асосий эътибор озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатига замонавий стандартлар ва қўлланмалар яратиш, бу борадаги халқаро меъёрларни жорий этишга қаратилмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги илғор тажрибаси халқаро миқёсда кенг қўлланилмоқда. Юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиий шароитда пишгани, ширин таъми ва витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, олимларимиз сабзавот ва картошканинг янги навларини яратиш бўйича изланишлар олиб бораётир. Шундай экан, сабзавот турларининг янги навлари ҳамда чет элдан келтирилган навларини интрадукция қилиш, уруғчиликни йўлга қўйиш, агротехнологияларни ўзлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳам бугунги кун талаби.

Тадбирда хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқот муассасалари олимларининг "Очиқ майдон учун сабзавот ва полиз экинлари селекцияси", "Маҳсулот етиштиришнинг замонавий технологиялари", "Картошка селекцияси ва уруғчилиги", "Сабзавот, полиз ва картошкачиликда биотехнология", "Сабзавот, полиз, картошка экинларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиялари" мавзуларида маърузалари тингланди.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# АВТОМОБИЛЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР

*"UzAuto Motors" AJ Хоразм филиалида "Дамас" ва "Лабо" автомашиналари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш режалаштирилмоқда.*

Изланиш

Айни жараёнда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда транспорт харажатларини мақбуллаштириш кўзда тутилаётир. Шу мақсадда вилоятнинг 40 дан зиёд тадбиркорлари Фарғона водийси вилоятларида бўлиб, маҳаллий корхоналар фаолияти билан яқиндан танишди. Айни чоғда Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бутловчи қисмларни Хоразмда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилди.

Амалий мулоқотлар натижасида яқин истиқболда 74 турдаги эҳтиёт қисмларни Хоразм вилоятида ишлаб чиқариш бўйича келишувларга эришилди. Бу борада водий вилоятларидаги 5 та йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кооперация алоқалари ўрнатилди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Хабарлар

# Нурота каштаси АҚШда тарғиб этилади



*Кўп асрлик тарихга эга Нурота каштачилик мактаби намуналари қадим-қадимдан Буюк Ипак йўли карвонларининг асосий маҳсулотларидан бўлган. Бугунги кунда ҳам ушбу санъат намуналари мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар томонидан севиб харид қилинади.*

Тадбиркор Саодат Файзиева Нурота мактаби анъанавий йўналишларини Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, қўшни Тожикистон Республикаси каштачилик мактаби нақш жилолари билан бойитмоқда. Яқинда АҚШдан ташриф буюрган санъатшунос Кате Кенан ушбу халқ амалий санъатини океан ортида тарғиб этиш ташаббусини илгари сурди.

— Нурота каштачилиги ҳудуд табиатини, маҳаллий аҳолининг кайфиятини ифодалайди, — дейди К. Кенан хоним. — Албатта, бу жуда катта тадқиқот манбаи. Жиддий тадқиқ этилса, санъат тарихи билан боғлиқ жуда катта кашфиётларга манба бўлади.

Ташриф давомида Кате Кенан мазкур санъат намуналарини экспорт қилиш бўйича нуроталик тадбиркор-ҳунармандлар билан шартнома имзолади. Шунингдек, жорий йилнинг тўртинчи чорагида АҚШда Нурота кашталарининг савдо кўргазмасини ташкил этиш бўйича дастлабки келишувга эришилди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАБИАТГА ҲАМ, ТАДБИРКОРЛИККА ҲАМ ФОЙДА

Андижон вилояти кўча ҳамда хиёбонларига чиқиндини қайта ишлаш ва экологик муҳитни яхшилаш мақсадида махсус идишлар ўрнатилаётир.

— Бу борада Хитой тажрибасидан фойдаланилмоқда, — дейди Андижон вилояти табиат ресурслари бошқармаси масъул ходими Лочинбек Исомуддинов. — Бунинг учун идишлар бир неча қисмларга ажратилади ва ҳар бири алоҳида чиқинди маҳсулотига мўлжалланади. Шу тариқа йиғилган чиқинди қайта ишлашга йўналтирилади. Ўз навбатида, ҳудудларда озодалик таъминланаётир ва аҳолининг экологик маданияти ошмоқда.

Ўтган йили вилоятда 1158 та замонавий чиқинди идишлари ўрнатилган эди. Шу йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 432 тага ортган бўлса, тез орада шаҳар-туман марказларида 50 тадан яна шундай қутиларни ўрнатиш режалаштирилган.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛИ

*Жамиятнинг тараққий этиши бевосита сифатли таълим ва самарали илм билан боғлиқдир. Шу боис ҳар бир халқ фаровон ҳаётни кўзлар экан, ёш авлодни юксак билимли, жисмонан бақувват ва маънан етук қилиб тарбиялаши шарт.*

*Кейинги йилларда юртимизда таълим тизимининг барча бўғинини ривожлантиришга эътибор янада кучайди. Натижада учинчи Ренессанснинг узвий ҳалқалари ҳисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта ва олий таълим, илм-фан соҳаларида жонланиш, янгиланиш рўй бермоқда. Замонавий мактаблар қуриляпти. Янги таълим даргоҳлари очилмоқда.*



Нуқтаи назар

Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 21 июндаги "Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Урганч давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари негизида Урганч давлат педагогика институти ташкил этилди. Олийгоҳда 2022/2023 ўқув йилидан 1-курс талабалари учун анъанавий ўқиш жараёнлари бошланди.

Институт ўқув режа ва таълим дастурлари педагогика таълим соҳасида таянч бўлган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети томонидан халқаро баҳолаш мезонлари асосида ишлаб чиқилган. Бу эса талабаларда дарсда ва дарсдан ташқарида мунтазам равишда мутахассислигига оид энг зарурий билим, кўникма ва маҳоратларни эгаллашга, ўз устида ишлашга, амалий натижаларни таққослашга имкон беради.

Олийгоҳда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ академик мобиллик асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида педагогика йўналишида ўқиётган талабалар ҳам таълим олмоқда. Уларнинг яшаш ҳудудлари ва ижтимоий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар "ҲЕМИС" ахборот тизимига юкланган.

Таълим тизимига рақамли технологияларни кенг жорий қилишга эътибор қаратмоқдамиз. Хусусан, ҳар бир факультетда маъруза машғулотлари учун мўлжалланган "смарт" аудиториялар яратиш, АРМ фондини рақамлаштириш ва электрон тизимга ўтказиш, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Ахборот-ресурс маркази замонавий компьютерлар билан таъминланди.

Ўқув-лаборатория жиҳозлари таълим сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис олийгоҳ томонидан 2023/2024 ўқув йилида жами 1 млрд. сўмга яқин замонавий лаборатория жиҳозлари сотиб олиниши режалаштирилган. Институтни 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ривожлантириш кўрсаткичлари асосида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган бўлиб, белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиляпти.

Олий ўқув юртида барча жараён автоматлаштирилган. Масалан, таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилган, дарс кузатув камералари орқали тизимли назорат ва таҳлил қилинади. Ота-оналарнинг фарзандлари ўқишини тўғридан-тўғри кузатиши учун бевосита дарс жараёнларида иштирок этиш мақсадида институтга келиши чекланмаган.

Олийгоҳда имконияти чекланган талабаларнинг барчаси давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган бўлиб, уларга стипендиядан ташқари 50 фоиз устама стипендия берилмоқда. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳисобланган талабаларнинг барчаси бепул ётоқхона билан таъминланган бўлиб, уларга давлат томонидан оширилган стипендия тўланмоқда. Жорий ўқув йили давомида институтда таҳсил олувчи, боқувчисини йўқотган талаба-қизларга вилоят ҳокимлиги томонидан шартнома миқдорининг 50 фоизи тўлаб берилди. Шунингдек, кам таъминланган оила фарзандлари талабалар турар жойи тўловининг 50 фоиз миқдоридан озод қилинган. Ижарада яшайдиган талабаларга 2 ойлик ижара тўловининг 50 фоиз миқдори қоплаб берилган.

Институтда халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида нуфузли олий таълим муассасалари — Жанубий Кореянинг Донгшин университети, Озарбайжон университети, Туркиянинг Эге университети билан меморандумлар имзоланди. 2023 йил 1-2 февраль кунлари Ўзбекистон — Корея талабалари алмашинув дастури доирасида институтимизда Донгшин университети талабалари иштирокида "Корея маданияти ҳафталиги" бўлиб ўтди. Ҳафталикда Жанубий кореялик профессор-ўқитувчилар ва бир гуруҳ талабалар корейс маданиятини намойиш этишди. Шунингдек, меморандум доирасида Озарбайжон университети билан ҳамкорликда "Глобал архивлар ва турк дунёси" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкиллаштирилди.

Институтимиз академик лицейи фаолиятини 2023/2024 ўқув йилидан йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бугунги кунда лицейнинг бино ва иншоотлари ҳозирланди. Устави ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 декабрдаги "Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2023/2024 ўқув йилида педагогика олийгоҳлари академик лицейларига қабул икки босқичли саралаб олиш тизими — дастлабки ёзма имтиҳон ҳамда тест синовлари асосида ташкил қилинади.

Академик лицейда институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўқув-лаборатория базаси, жумладан, физика, астрономия, кимё, биология ўқув-лабораториялари, компьютер синфлари, электрон кутубхона ташкил қилиниши режалаштирилган.

Ўқувчиларга хорижий тиллар ва касб-ҳунарларни чуқур ўргатиш, махсус курслар, психологик хизматлар, танловлар, олимпиадалар орқали иқтидорли ёшларни селекция қилиш ҳамда 2026 йилда академик лицей битирувчиларининг олий таълимга кириш кўрсаткичини 90 — 95 фоизга етказиш — асосий мақсадимиз.

Институтда кредит-модуль тизими жорий этилган бўлиб, бу таълим ва талабалар билимини баҳолаш жараёнларини, улар ҳақидаги академик маълумотларни электрон тарзда автоматик бошқариш имконини бермоқда.

Кредит-модуль тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилади — талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш ҳамда уларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш. Ушбу тизим нафақат дарс машғулотларини инновацион таълим технологиялари асосида олиб боришга шароит яратади, балки талабани мустақил ўқиб-ўрганиш, таълимга янгича муносабатда бўлиш, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, назарий билимларни пухта эгаллаш, амалий кўникмаларни шакллантириб боришга ўргатади. Шу боис талабалар ўзларининг ўқув режаларини индивидуал тарзда тузади, натижада мустақил таълим олишнинг улуши ошиб бормоқда. Ёшларда меҳнат бозори талабларга жавоб бера оладиган инсон капиталини ўзларида шакллантиришга интилиш кучаймоқда. Бу эса таълим сифатининг ошишига, салоҳиятли кадрлар камолга етишига олиб келади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз таълим соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар бугунги кунимизнинг янада фаровон, келажагимизнинг буюк бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.

**Жуманазар ЯРМЕТОВ,**
**Урганч давлат педагогика институти ректори вазифасини вақтинча бажарувчи, физика-математика фанлари номзоди, доцент.**

# «ТУРОНБАНК» – БАРҚАРОРЛИК БЕЛГИСИ

## ЁКИ ЯНГИЛАНГАН «MYTURON» МОБИЛЬ ИЛОВАСИ МИЖОЗЛАРГА ЯНАДА ШАФФОФ ВА ЖОЗИБАДОР ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

*Банклар мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи бўғинига айланди. Бугун жисмоний ёки юридик шахслар нақд пул олиш учун банк кассаларида сарғаймайди. Барча турдаги кредитларни олишда қоғозбозликдан воз кечилди.*

*Тан олиш керак, банклар маблағи қанча кўпайса шунча яхши. Чунки бу маблағлар тадбиркорлар сафини кенгайтириш, имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадларига хизмат қилади.*

*Молия хизмат бозорида 1990 йилдан буён фаолият олиб бораётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бу йўналишда етакчи универсал банклар сафида бежиз тилга олинаётгани йўқ. Чунки банк доимий равишда ўсиб, ривожланиб, иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини маблағ билан таъминлаш, янги банк технологияларини жорий этиш ҳамда инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда фаол қатнашмоқда.*



## Молия муассасаларида

### Ақлли, тезкор ва рақамли технологиялар

Бугунги глобаллашув даврида замонавий хизматлар, ақлли, тезкор ва рақамли технологияларга бўлган талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Ҳаётимизни сунъий интеллект ва гаджетлар каби тўртинчи саноатнинг энг сўнгги ютуқлари қамраб оляпти. Бу эса истеъмолчиларнинг талаб ва хоҳишларидан келиб чиққан ҳолда таклифларни илғор технологиялар билан боғлаш, ортиқча ҳаракат ҳамда харажатсиз хизматларни ишлаб чиқишга ундамоқда.

**Айни вақтда комплекс трансформация жараёнларини олиб бораётган “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки ҳам айни шу тенденциядан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини “Digital — banking” форматига ўзгартирмоқда. Хусусан, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг деярли барчаси хорижий андозалар, янги дастурларга алмаштирилмоқда. Молиячилар тили билан айтганда, “ритейл бизнес”, яъни чакана бозор йўналишида жисмоний шахсларга бир-биридан жозибадор маҳсулотлар тақдим этиляпти.**

Бу ҳақда банк экспертлари Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида батафсил фикр юритишди.



— Бугунги анжуманимиз мавзуи банк томонидан тақдим этилаётган чакана хизматлар ва янгиланган “MyTuron” мобиль иловаси хусусида эканидан хабардорсиз, — деди “Туронбанк” АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Азиз Тошев. — Даставвал, сизларга банкимизнинг 2022 йилдаги асосий молиявий кўрсаткичлари ҳақида маълумот берсак. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатида молия муассасамизнинг жами активлари 12 трлн. 879 млрд. сўмни ташкил этиб, олдинги йил билан солиштирганда 16,9 фоизга ошди. Ушбу кўрсаткичларнинг юқорилашида банк кредит портфелининг ўрни ниҳоятда катта бўлди.

Жумладан, ҳисобот даврида кредит қўйилмалари 9 трлн. 431 млрд. сўмни ташкил этиб, олдинги йилдагига нисбатан 16 фоизга ошган. Кредит портфелида юридик шахслар улуши 7 трлн. 833 млрд. сўмни ёки 83 фоизни, жисмоний шахслар ҳиссаси эса 1 трлн. 597 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни олдинги йил мос даврига солиштирганда 989 882,0 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, деярли йил давомида 61 фоизга ортди. Бу эса чакана кредит маҳсулотларини жисмоний шахсларга қийинчиликларсиз ажратиш тизими йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар ҳажми 2022 йил якунлари бўйича 3 трлн. 492 млрд. сўмга етди. Шундан юридик шахслардан 1 трлн. 713 млрд. сўм ёки 29 фоизга, жисмоний шахслардан эса 1 трлн. 125 млрд. сўм шакллантирилиб, 14 фоизга, биргаликда ҳисоблаганда олдинги йилдагига нисбатан 23,1 фоизга ортгани банкимизнинг молия бозорида ўз ўрни ва нуфузи ошиб бораётганини кўрсатмоқда.

### Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бозори

Анжуманда банкнинг Чакана бизнес департаменти директори ўринбосари Элдор Ваҳобов янгиланган “MyTuron” иловаси, унинг имкониятлари, бугунги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бозорида мобиль илова орқали таклиф этилаётган қулайликлар ҳақида гапирди:



— Ҳеч кимга сир эмас, бугун “мобиль банкинг” атамаси ҳаётимизнинг кўплаб жабҳаларида учрамоқда, — деди у. — Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш муассасалари, интернет дўконлар, ўзаро пул ўтказмалари, тўловларни онлайн амалга ошириш шулар жумласига киради. Деярли ҳеч ким эҳтиёжидан ортиқча нақд пул олиб юрмайди. Албатта, бу ўзбек молия бозорининг жаҳон тенденцияларига яқинлашиб бораётганидан далолат беради. Банкимиз ҳам ушбу тез суръатлар билан ривожланиб бораётган майдондаги трендлардан қолишмаган ҳолда ўзининг мавжуд мобиль иловасини технологик жиҳатдан янгилади. Бу ўзгаришлар банкдаги трансформация жараёнлари доирасида хорижий экспертлар иштирокида амалга оширилди.

Бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, энг аввало, мавжуд мижозлар базасини янада кўпайтириш ва банк тақдим этаётган кўплаб анъанавий хизматларни смартфонларга ўтказиш эди. Оддий айтганда, мижозлар молия муассасасига келмаган ҳолда банк мижозига айланиши, ўзининг шахсий тўлов картасига эга бўлиши ҳамда қисқа вақт ичида кредит маблағларидан фойдаланиши лозим эди. Айни шу мақсадда биз муҳим жиҳатлардан бири бўлган уларнинг идентификациядан ўтишини замонавий “Face ID” технологияси ёрдамида бириктирдик. Яъни илованинг ўзида онлайн суратга тушиб умумий базага юбориш имконияти пайдо бўлди.

Шунингдек, илованинг ўзидан картага буюртма бериш, барча тўловларни амалга ошириш, мавжуд кредит қарздорликларини сўндириш, кредит олиш учун аризалар қолдириш, онлайн омонат очиш ва конверсия амалиётларини бажариш каби 100 га яқин хизматларни ишга туширдик. Бундан ташқари, бугун энг оммабоп бўлган онлайн микроқарз хизматини ҳам йўлга қўйиб, уни расмийлаштириш учун илованинг ўзида бепул виртуал “Humo” картасини жорий этдик.

Мижозлар иловага ўзларининг “Туронбанк”да очилган пластик карточкаларини бириктириб ҳам ушбу кредитни олишлари мумкин бўлади. Аввалига ушбу кредитнинг муддати 12 ойгача бўлиб, миқдори 10 млн. сўм эди. Айни вақтда талабдан келиб чиққан ҳолда мазкур миқдорни 30 млн. сўмгача, 24 ойлик муддатга қадар кўтармоқчимиз. Аҳамиятли жиҳати, 2022 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида иловани тест режимида ишга туширган бўлсак, 2023 йилнинг бошига келиб у тўлиқ қувват билан ишлашни бошлади ва шу қисқа фурсат ичида уни юклаб олган мижозлар сони 80 минг нафардан ошди. Ҳозирги кунда иловани янада такомиллаштириш бўйича амалий ишлар давом эттирилмоқда.

### Инсон омилисиз микроқарзлар



Ҳамкасбининг фикрларини давом эттирар экан, банкнинг Чакана бизнес департаменти директори ўринбосари Алишер Толипов жисмоний шахсларга ажратилаётган янги кредит турлари ва юқори фоизли омонатлар ҳақида тўлиқ маълумот берди.

— Бугунги кунда истеъмолчиларнинг аксарият қисми автокредитлар бозорида фаол қатнашмоқда, — деди у. — Айни шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, банкимиз ҳам жисмоний шахслар учун бир неча турдаги қулай автокредитларни ишлаб чиқди. Хусусан, биз аҳолининг барча қатламини қамраб олиш мақсадида нафақат расмий даромадга эга бўлган, балки расмий даромадга эга бўлмаган фуқаролар учун ҳам кредит ажратишни бошладик.

Айни чоғда Алишер Толипов ўзини ўзи банд қилган, лицензияга эга фуқаролар учун ҳам махсус “Avto Self” автокредити ишлаб чиқилганини қўшимча қилди. Бу орқали эски машиналарда юк ташиб юрган фуқаролар расмий даромадга эга бўлмай туриб бирламчи ва иккиламчи бозордан енгил юк машиналарини (2,5 тоннагача) кредитга олишлари мумкин бўлади.

— Автокредитлар бозорида “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки таклиф этаётган яна бир уникал маҳсулот — кўпчиликнинг муаммосидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Яъни одатда янги автомашина олаётган фуқаро ўзи танлаган машина нархининг 50 фоизини бошланғич тўлов сифатида тўлайди. Қолган 50 фоизи эса автомобиль тақдим этилганда тўланади. Кўпчилик мижозлар банкларга шу қолган 50 фоизни тўлаш учун кредит сўраб келишади ва рад жавобини олишади.

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки айнан мана шундай ҳолатлар учун ҳам энди кредит ажратади. Бунда фуқаролардан ҳеч қандай бошланғич тўлов ва расмий даромад талаб этилмайди. Улар белгиланган ҳужжатда қолган 50 фоиз учун олган кредитларини бўлиб тўлайверади. Шу билан бирга, “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан фуқароларга “Истеъмол кредити”, “Таълим кредити”, “Бирламчи бозор учун ипотека кредити”, “Микроқарз”, “Саёҳат учун кредит”, “Қуёш панеллари учун экопанель кредити” ва “Соғлиқни тиклаш учун кредит”лар тақдим этилмоқда. Уларнинг батафсил шартлари билан www.turonbank.uz сайти орқали танишишингиз мумкин. Бундан ташқари, бугунги кунда аҳоли жамғармаларини ишончли ва хавфсиз кўпайтириш мақсадида юқори фоизли миллий ва хорижий валютадаги жозибадор омонатлар ҳам ишлаб турибди.

Молия муассасалари — иқтисодиётимизнинг уриб турган юраги. Албатта, банклар томонидан аҳолига қулай, жозибадор ва шаффоф хизмат турлари таклиф этилаётгани, бу хизматлар орқали банкка бориб эмас, уйда туриб микроқарз олиш, кредитлар расмийлаштириш ёки бошқа молиявий масалаларни ҳал этиш имкониятлари яратилаётгани сўзимизга аниқ мисол бўла олади.

Анжуманда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган уч ойида “Туронбанк” АТБга 100 минг нафардан зиёд кишилар онлайн мижозга айланди. Ёки онлайн микроқарзлар бериш тўлиқ автоматлаштирилиб, бунда умуман инсон омили иштирок этмаяпти. Молия муассасаси “Туронбанк” — барқарорлик белгиси” шиори остида аҳолининг барча қатлами орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интилмоқда. Зотан, юрт тараққиёти ва равнақи йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар доим бардавом бўлади.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Юнус БЎРИЕВ олган суратлар.

## БАНК ҚУЙИДАГИ ЯНГИ АВТОКРЕДИТЛАР ВА ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

### «Имконият» автокредити!

**«Расмий даромадсиз» бирламчи ва иккиламчи бозор учун:**

Кредит муддати: 4 йилгача.
Бошланғич тўлов: 36%дан.
Кредит фоизи: 25,9%.
Кредит миқдори: 900 млн. сўмгача.

**«Расмий даромад билан» бирламчи ва иккиламчи бозор учун:**

Кредит муддати: 5 йилгача.
Бошланғич тўлов: 10%дан.
Кредит фоизи: 24,9%.
Кредит миқдори: 900 млн. сўмгача.

### «EcoGreenCar» электромобиллар учун автокредит!

**«Расмий даромадсиз» бирламчи ва иккиламчи бозор учун:**

Кредит муддати: 4 йилгача.
Бошланғич тўлов: 36%дан.
Кредит фоизи: 25%.
Кредит миқдори: 600 млн. сўмгача.

**«Расмий даромад билан» бирламчи ва иккиламчи бозор учун:**

Кредит муддати: 4 йилгача.
Бошланғич тўлов: 20%дан.
Кредит фоизи: 25%.
Кредит миқдори: 600 млн. сўмгача.

### «Avto Self» бирламчи ва иккиламчи бозордаги енгил юк машиналари учун:



Кредит муддати: 4 йилгача.
Бошланғич тўлов: 36%дан.
Кредит фоизи: 25%.
Кредит миқдори: 300 млн. сўмгача.

### «Optimum» омонати — хорижий валютада (АҚШ доллари)

Омонат муддати: 18 ой.
Йиллик фоизи: 7,2%.
Бошланғич тўлов: чекланмаган.
Қўшимча маблағ киритиш: чекланмаган.
Фойда ҳар ойда тўлаб берилади.

### «Ustuvor» омонати — миллий валютада

Омонат муддати: 18 ой.
Йиллик фоизи: 22%.
Фоизлар ҳар ойда тўланади.
Исталган вақтда пул қўшиш имконияти.

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки таклиф этаётган барча хизматлар бўйича батафсил маълумотни www.turonbank.uz расмий сайти, ижтимоий тармоқдаги банк саҳифалари, TuronBank Media «YouTube» канали ва 1220 қисқа рақами орқали олишингиз мумкин.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6